




ИПАК НУРИНГ СОЧАВЕР, ҚУЁШ!



Илм—ўзни билмакдир



МАЪРИФАТ

معرفت

MA'RIFAT

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 16 март, чоршанба

№ 16 (6603). Баҳоси соғувада эркин нарқда.

ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ!

Фаргона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Умид» оилавий фермер хўжалиги Наврўз умумхалқ байрами ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлашга ўз хиссасини қўшишга қарор қилди. Ана шу мақсадда вилоят хайрия жамғармасига 500 минг сўм ўтказилди, Наврўз байрами кунини Худоберхон қишлоғи аҳолисига арзон нарқда 300 килограмм гўшт, 200 килограмм сут сотилди, уруш ногиронлари, боқувчисиз қолган қариқларга гўшт ва сут бепул берилди.

«Умид» Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими билан биргаликда Худоберхон, Қоразобо, Яқкатот қишлоқларидаги ўрта мактабнинг VII—IX синф ўқувчилари ўртасида «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» шiori остида беллашув ўтказди. Биринчи ўринни олган уч нафар ўқувчи 50 минг сўмдан мукофот берилди. Мукофот Ўзбекистоннинг мустақиллик кунини — 1 сентябрда топирилди.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати 1994 йили «Оила йили» деб эълон қилди. Шу муносабат билан 1 сентябрь кунини Худоберхон қишлоғида «Намунали оила» кўрик-танловини ўтказилди. Ҳолибга бир бош буюқ берилди.

Барча тадбирлар учун сарфланадиган маблағ кўжалигининг хайрия жамғармаси ҳисобидан қопланади.



ЯШАРИШ ФАСЛИ

Пўлат Тўраев, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги яхтимой таълими ва тарбия бўлими бошлиғи:

— Наврўз умумхалқ байрамини олиш ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳам катта тайёргарлик кўришмоқда. Таалаб ва ўқитувчилар, олимлар шу кунини Хайрия ҳашарига чиқадилар. Ҳашардан тушган маблағ талаба ва ўқитувчиларга, ногиронларга моддий-маънавий ёрдам тариқасида берилди.

Шулар қаторида ҳар бир олий илмгоҳ ёки билим юрти ўз тасарруфидаги ер участкаларини ободонлаштириш билан бирга, жойлардаги ҳокимиятлар билан боғлиқ, шаҳар ободонлаштириш ишларида ҳам қатнашадилар.

Наврўз баҳор, яшариш ва ободонлаштириш байрамидир. Вазиригимиз тасарруфидаги барча илмгоҳлар ободонлаштиришга аллақачоноқ киришганлар. Кунини кеча Тошкент давлат дорилфунунини, Тошкент техника дорилфунунини, Тошкент иқтисод

университетини, Тошкент молия олий илмгоҳи ҳамда Тошкент автомобиль ва йўллар институтлари ташаббус кўрсатиб, кўнамазорлаштириш, ётоқхоналарни тартибга келтириш ишларини бошлаб юборишди. Бу илмгоҳлар ширкат ва кичик корхоналар билан боғлиқ, талаба ва ўқитувчиларга бир ойлик маош ва стипендиялар ҳам тарқатдилар.

Байрамнинг бадий ва маънавий томонларини яхши ташкил этиш ҳам бош масалалардан бири. Масалан, ётоқхоналарда концерт, театр жамоаларининг чиқишларини, шoir ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар уюштиришни ҳам режалаштирганмиз.

Ҳар хил спорт ўйинлари, ётоқхоналарда факультетлараро кўрик-конкурслар ўтказиш ани кунда қизгин дам олмақда.

Хуллас, вазиригимиз тасарруфидаги барча муассасаларда Наврўз байрамини яхши кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

МЕҲРИГИЁ

Азизу мўтабар маъво бу юртга марҳабо Наврўз, Ки Наврўз келса тоғай бу кўнгиллар кўп наво Наврўз. Табиатнинг баҳор фасли, гўзалликларга ёр фасли, Хизрваш сабапш Наврўз, ажаб меҳригиё Наврўз. Меҳр бирла муҳаббат эҳтиромини динда жо айлаб, Кутармиз ҳар баҳор элларга бер деб нур, зиё Наврўз. Адир, тоғларни гуллола этиб пайваста қошона, Тугар кўлларга паймона, муборак, дилрабо Наврўз. Ҳамал ўтлогининг сайрга чиқай зар кийиб кун ҳам, Юз очган ҳар гиёҳнинг бўлғуси танга даво Наврўз. Азиз номинг билан қутлов жўшар ҳар хонадон ичра, Топар файз давралар сўз атридан, эй бебаҳо Наврўз. Муборак мақдаминга дилдан ашғорини инсор айлаб, Топар завқ ҳар нафас Содир, уриб чарх мудоао Наврўз.

Содир ЭРКИН.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг инсонпарварлик ишлари техник ёки бадий ижода, ихтирочиликда, халқ хонарандчилигида, кўшиқчиликда қобилиятга эга бўлган энг истеъдодли болаларни ҳаётга йўллаганга даъват этилган. Жамғарма яқинда Тошкентда бошланган истеъдодли болаларнинг республика слёти ғолиблари учун 20 та шахсий стипендия таъсис этди.

Ижодий ишда, илмда, санъатда ўз қобилиятини намойиш этган, мактаб тўғрисида, ёш техниклар, табиатшунослар, ўлжашунослар, саёҳатчилар станцияларидаги машғулотларда яхши натижаларни қўлга кiritган ўқувчилар ўн йили мобайнида мана шу стипендияларни олиш бахтига мўшарраф бўладилар.

— Болаларнинг Тошкентда бўладиган бу катта байрамда барча вилоятлардан, Қорақалпоғистондан 200 нафардан ортққ ўқувчи қатнашади.— дейди жамғарма бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева.— Бу байрамда биз ҳам қатнашиб, ёшларнинг санъат ва турли ҳунарларга қизиқиши ошишига, уларнинг истеъдодини тўла намойиш бўлишига кўмаклашамиз. Чунки, ёш авлод ҳақида гамхўрлик қилиш — Республика Президентини ташаббуси билан ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу слёт учинчи марта ўтказилган. Анъанавий бўлиб қолган бу тадбир Наврўз байрам қилинадиган кунларга тўғри келяпти. Унда шу кунларда яқунлаётган мактаб, туман ва вилоят мусобақаларининг ғолиблари иштирок этишади.

Ҳамал келди, борлиқда амал кирди. Табиат келинчаги баҳор юртимига ташриф буюрди: қиру адирларга, боғлару далаларга яшил қабди, Тонгги шабнамдан юз юган майсалар соат сайин яшаради, нурга талинади. Новдларда буртган куртаклар лабида ханда. Урингу шафтоқлар шохларда гўнчалар маржон. Боғларда бодом гўл очиб, болаларлар гўвиллаб қолди. Ариқлар бўйида ялнз ҳиди анқийди. Воболар ниҳол экин, боғлар яратилган ошқабди, бувилар қўқ сомса, сумалак ишириш тарадудини кўради, болалар дака варрак, қизлар толбарган исаш ташвишида... Ҳа, олам яшараяпти, одам яшараяпти. Чунки кутлуг Ватан заминига Наврўз келяпти.

Халқимизнинг энг қадимий, шодна байрамларидан бўлган Наврўзнинг бутун элониш бу йил ҳам катта таратуд билан қаршиламақда. Байрамга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақомадини шунинг 22 февралдаги қарорини асос қилиб катта кичика кўришлик руҳ бахш этди. Наврўзга тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирлари барча соҳада бўлаётган халқ таълими тизимида ҳам биринчилар қаторини ишлаб чиқилди. Мана, бир неча ҳафтадан бери кўлаб амалий ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруғига кўра бутун март ойи барча ўқув муассасаларида ободонлаштириш ва кўнамазорлаштириш ойлиги деб эълон қилинган. Мактаблар, олий ва ўрта педагогика ўқув юртлири, мактабгача тарбия муассасаларида бу ойликда бажариладиган ишлар режалаштирилди олинди ва ўтган икки ҳафтада катта ҳажмдаги саховатли ишлар қилинди. Ахир билим масканларининг ҳудудлари обод ва кўркам бўлиши кимни қувонтирмайди дейсиз!

Наврўз тантаналари ҳар бир билим масканида яншиқланади. Бу ишча педагогик жамоалар, ота-оналар, ўқувчилар қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар, ҳаваскорлик дасталари қуноқ қуй ва қўшиқлардан иборат махсус дастурлар, томошалар тай-

ёрлашган. Кўрик-танловлар, ижодий ишлар кўргазмалари, болаларнинг баҳорги ўйинлари мусобақалари, танқиди кишилар ва тадбиркорлар билан учрашувлар, қуноқ тоқирлар баҳслари — буларнинг ҳамма-ҳаммаси шодналарга файз киритади.

Ўқувчи-ёшларни қувонтирадиган, уларнинг истеъдод ва маҳоратларини намойиш этадиган Наврўз байрами доирасидаги тадбирлар ҳам бор. Булар ўқувчи-ёшлар «Санъат байрами» кўрик-танлови, Республика Иқтисодий болалар III анжумани, «Болалар, ўсириллар китоб ҳафталиги», «Мушиқа ҳафталиги», Республика II «Кинофототестивали» каби анъанавий-оимавий тадбирлардир. Бу тадбирлар аксариятнинг босқичлари мактаб ва ўқув юртлирида, туман ва шаҳарларда бўлиб ўтмоқда.

Наврўз ўқувчи-ёшлар учун шунчаки шодна бўлиб қолмай, ани пайтда билим ва дунёқарашни кенгайтириш, миллий қадриятларини билиш ва эъзозлашга ўргатиш, табиат билан дўстлашиш, меҳр-муруватли бўлишга одатланиш, ахлоқ ва одоб қоидаларини ўлаштириш воситаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам билим масканларида ўтказиладиган ҳар бир тадбирнинг педагогик моҳияти ва мақсадини чуқур ўйлаб, тўла рўёбга чиқаришга эришиш зарур.

Халқимиз азал-азалдан саёб ишларни бажариш инсонийлигининг энг буюк фазилати, деб билган. Кимдир кўприк кўрган, кимдир боғ яратган, кимдир етким-есирнинг қўнғилини кўтарган, бемордан ҳол-ахвол сураб, мискинлар дилини хушуд этган. Бундай тадбирларнинг педагоглар, ота-оналар ўқувчи-ёшлар билан биргаликда амалга оширсалар, яхши бўлади. Ногирон болалар таълими-тарбия муассасалари, болалар ўйлар, қаровчис йўқ қариялар хонадонларида бўлиш, йўллар ва йўлакларни текислаш, кўча четларидаги ариқларни тозалаш, дароҳларни бутан ва шакл бериш, мевали ва ёғочоб дарахт кўчатларини экиш ҳамда парвартириш — булар бизга азалдан қадрият одад бўлган саёб ишлардир.

Бугун Наврўз завқ-шавқ гулларга бурканаётган да-

лао боғлардагина эмас, билим масканларимиз бинолари ичидати безакларда, залларда, саҳналарда, дилларда, тилларда, мақсадларда ҳужирон. Бир синф ўқувчилари миллий кийимлар кўргазмасини тайёрласа, иккинчи синф болалари «Наврўз кўшиқлари» кўригига ҳозирлик кўрмоқда. Ўқувчи ижодкорлиги маҳсулотлари бўйича ярмарка ва аукцион ўтказиш тарадудини кўраётган билим масканлари ҳам қанчалик қизич. Савдодан тушган маблағларнинг бир қисmini саёб ишларга сарфланади. Шу мақсадда бир қатор мактабларда меҳр-шафқат гуруҳлари ҳам ташкил этилди: улар қаровга муҳтож қариқларга, ногиронларга ёрдам кўрсатадилар.

Наманган, Бухоро, Сурхондарёдаги бир қатор ўқув юртлирида «Миллий урф-одатларимиз — қадриятларимиз» тизимида томоша кўрик-танловлари тайёрланмоқда. Уларда «Тўй», «Келин салом», «Алла» каби маросимлар намойиш қилинади.

Умуман, табиатдагина эмас, кенсао ёшнинг руҳи ва кайфиятида ҳам баҳорини илғити ҳақорий тинқиди ҳужирон. Дошқозонларда сумалак ҳалимлар қайнаб, хиебонлару майдонларда, қирлару сойларда байрам шодналарини авжга кўчирган кунлар яқин. Шаҳар ва қишлоқлардаги, билим масканларидаги «Наврўз» тадбирларида ўқувчилар, талабалар, муаллим ва тарбиячилар ҳам фаол қатнашадилар. Уларнинг ҳар бир чиқиши, амалий ишлари, маҳорати ва заковати ўзбек мактабининг обрў-этибори.

Ўзида мужассам этишини, қомил инсоний тарбиялашдаги мураббий-устозлар меҳнати самарасини, шу билан бирга, мустақил Ўзбекистон келажак буюклигини таъминловчи ёш авлод қиёфасини намойиш этди. Шу бондан ёшларга: «Ҳар кунинг бўлисин Наврўз!», дегиси келадиган қта-онанинг, зотознинг, мураббийнинг, Устотан, улар ёш авлод қиёфасида ўз ҳаётининг давомийлигини кўрадилар, армонли оруз ва тиллақларнинг рўёбинини улардан умид қиладилар. Яхшиликка умид эса келажакка ишончдир.

дий уюшмаларнинг бошқа вакиллари фаол иштирок этган эдилар. Уларнинг болалар билан учрашув ва мулоқотлари слётга байрамона тус берган ва ёш истеъдод эгаларининг қобилида ўчмас из қолдирган эди.

— Биз слётимиз ғолиблари учун салмоқли маблағ ажратган «Соғлом авлод учун» жамғармасидан, шунингдек, унинг қатнашчиларига қимматбахо рағбатлантирувчи совринлар таъсис этётган «Истеъдод» жамғармасидан миннатдоримиз.— деб давом этди вазири ўринбосари.— Кўпчилик болалар халқ таълими вазирининг таъсис этган эсалики нишон билан тақдирланади. Болалар байрамини ўтказишда, шунингдек, республика болалар жамғармаси, «Наврўз» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар.

Л. СТРУННИКОВА, ЎЗА мухбири.

«Маърифат» хабарлари

ТАРАДДУД
ҚАМАШИ. Тумандаги Нодир Пардаев номдаги 74-ўрта мактабда Наврўз тантанасига бағишланган тадбирлар бу йил бошқачароқ ўтказилган бўлди. Жумладан, Тарбиявий соатларда Наврўз байрамининг илмий моҳиятини тушунтириб бериш, Байрам арафасида умуммактаб ҳашарини ташкил этиш, байрам муносабати билан турли кечалар, ўқувчилар ўртасида фанлараро беллашувлар ўтказиш каби тадбирлар уюштирилди.
С. ОСТОН ўғли.

КЎКЛАМ ТАШВИШЛАРИ
ҚУМҚУРҒОН. Туманимиз маорифчилари баҳорда қиланганидан муҳим ишлар режасини тузиб чиқдилар. Бугунга келиб тасарруфимиздаги барча мактабларнинг ер участкалари, экин майдонлари экишга тахт қилиб қўйилди. Булардан ташқари, мактаблар ҳовлиларини кўнамазорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш ишлари ҳам оммавий тус олди. Шу кунгача йигирма минг тул олма, қирқ минг тул терак, йигирма минг тул беҳи ва шунга ўхшаш дарахт кўчатлари экилди.
Абдумажид ТўРА ўғли.

АНЪАНА
КИТОВ. А. Навоий номдаги мактабда буюк давлат арбоби, инсонпарвар олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда туман мактабларининг ўқитувчилари, ўқувчилар, адабиётшунос олимлар, шoirлар ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг вакиллари иштирок этдилар.
Кеча сўнгида тўлганлар мактаб ҳаёти билан танишиб, Улуғбек музейини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Улуғбек таваллудига бағишланган йилни ва кечалар бошқа мактабларда ҳам ўтказилмоқда.
Эркин ШОКИР ўғли.

КИТОВ — БИЛИМ МАНБАИ
БУХОРО. Вилоят китобсеварлар жамиятида Наврўз байрами арафасида китобхоналар конференцияси бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан кутубхоначилар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар.
Ёшларни китобхоналикка ўргатиш, Наврўз байрами, унинг моҳияти билан таништириш, миллий удумларимиз ва қадриятларимиз мавзудаги маърузалар йилгиланларда катта таассурот қолдирди.
Конференцияда бундай тадбирларнинг бошқа туманларда ҳам тез-тез уюштириб туришга келишилди олинди.
Ҳафиза МУРОД қизини.



Айён шоднаси.

ОЛИН ТАЪЛИМ ХАБАРЛАРИ

Тошкент давлат довилфунуни қошидаги олий педагогика институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фалсафа Ҳамаияти раёсатининг ташаббуси билан ўтган пайшанба кўни фалсафа фахрининг юксалишига...

Муҳбиримиз.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих ва мактабгача тарбия факультети учун 1200 ўқувчи...

З. Усмонова, мухбиримиз.

Бутун Ўрта Осиё ва Эронда қадимги Шамс [Кўш] йили ҳисобига кўра 21 мартда Наврўз байрами ўтказилиб келинган.

Аънанавий маросимлар, турки-туман ўйинлар ўтказилган бундай тантаналар сайл номи билан маълум.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асариде: «Бу байрам ба...

ҳор ёмғирининг биринчи толиқи тушишдан гуллар очилганча, ва... ўсимлик унинг чиқа бошлагандан тақомиллашувча...

Наврўз тарихидан
БАҲОРГИ ТЕНГ КУНЛИК

ўтроқ ва кўчманчи турк халқлари одатлари ҳам сингир кетган. У энг йил байрамимизга эмас, балки табиатнинг ўй...

қуриб ўйнаса, ёгочёқ ўйинчилари икки ёбғига икки ёбғичи бойлаб уч, метр чамасидеги баландда юриб, турли мусиқа куйларига ўйинга тушганлар.

дидан мас тўлиб, ўнинг атрафиде олов сўниб битгунча кўшиқ айтиб рақсга туша эдилар, деб ёзганда Наврўз байрами кечасидеги томошаланиш, меҳнат байрами сифатида ҳам нишонланиб кели...

Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, Наврўз кўни «ҳамма кўриган» чўплар кў...

лар ва одамлар уни «Рўзи нава», яъни «Янги кўн», деганлар. Ҳар ким баракатга эришиш учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан. Кейин подшоҳлар саройларининг саҳни атрафларига етти хил дондан етти тахта экни ўстириш расм бўлган.

лак тайёрлаш жараёнини алоҳида таърифлаб кўрсатади: «Богдода арпа қайнатилиб сувни сикитилади, сўйра суви буғланиб кетгунча кунжуқ ёғи билан қайнатилди...» Умар Хайём сумаланиш қадимги замонларда кўришча арпа кўйдан тайёрланганини, арпа ва бўғдой кўйдан тайёрланган сумалак кўп касалликларга даво бўлишини ҳам кўрсатиб ўтган: «Арпа ёғи сариқ кичи...

лаб қайнатилса, оёқ суяк кучиси ва оёқда тил туролмайдиганларга жуда фойдали».

Октябр тўнтаришидан кейинги 70 йилдан кўпроқ вақт давомида Наврўзи оламнинг халқимизининг кўпلىб миллий урф-одат ва маросимлари қатори Наврўзга ҳам хурофот тамғаси босилди. У муқаттиллик шарофати билангина том маънода қайта тилланди. 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президент Ислоҳ Каримовнинг фармонида кўра, Наврўз байрами дам олиш кўни сифатида белгиланди. Уни кенг нишонлаш турмуш тарзини янада бойишига, халқимиз эстетик қиладиган юксалишига олиб қиладиган, маданият ва салғатимизининг бойлиғига бойлик кўшди.

Тўра ҚИЛИЧЕВ, тарих фанлари номзоиди, этнограф.

Бизнинг суҳбат

ҚУШЛАР ҚЎШИҚ АЙТАДИ

Республика аҳли Наврўзи зўр иштиёқ билан кўтиб олишга ҳозирлик қиладиган бир пайта, Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия жамғармаси жамоасининг бу йилги ўй, ташвишлардан хабардор бўлиш ниятида жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ноибни Дадахон Якубов билан суҳбатланди.

М.: — Дадахон, энг аввало, жамғармининг халқ таълими соҳасига кўрсатилган ҳомилийи қаҳида тўхталиб ўсангиз.
Д. Е.: — Гапнинг рости, богча, мактабларнинг ўз эгаси бор. Бу халқ таълими назорати. Лекин, шундай бўлса-да, биз четда қараб - турганимиз йўқ. Сўзининг исботи сифатида 1994 йилда қиладиган ишларимиз тўғрисида бир оз маълумот бериб ўтмоқчиман.

Шу йилнинг 15—18 март кўнлари бўлиб ўтадиган республика «Иил тарбиячиси» кўрик-танловига 1 миллион сўм, 25—27 мартда бўладиган иқтидорли болаларнинг республика слети учун 1 миллион сўм ўтказиб берамиз.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти мактабларда Ўзбек ва хоржий тилларни ўргатиш ишларига алоҳида эътибор билан қарайпти.

Файзуллаева, Мавлуда Абзалова, Турғун Нодиров, Татьяна Ткаченко ва Галина Петросян ғолиб деб топилди. Шунингдек, ўттиз икки нафар илгара чанқоқ ёшлар ҳам энг яхши тил ўрғанаётган ўқувчи саналиб, уларнинг барчаси пул мукофотлари билан тақдирланди.

З. ТУЛАГАНОВА.

Суратда: туман халқ таълими бўлими мудири Мақсуда Одилова (таъдан иккинчи) ғолиб ўқитувчиларни қўлга олган пайта.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ МАФКУРА

мактабларда — бир қанча тақсирга лойиқ ишлар қилинмоқда.

таълим мактабларида миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда тарих курсларининг ўрни муавваси бўйича фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

оширши тизимини тақомиллаштириш, мактаб дарсликларини, хусусан, мактабда тарих курсларини ўқитишни тақомиллаштириш бўйича амалга оширилган тақдирлар тўғрисида Ўзбекистон Халқ таъ...

лим вазирлиқи қошидаги фан ва малака ошириш ишларини бошқариш бўлимининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори — профессор Т. Тошпурчи мавзуза қилди.

Ғ. МАҲМУДНАЗАРОВ.

Мен илмининг турмушдаги ўрни қаҳида гапириб ўтирмайман. Бу масала Курьони Каримда «Илми бўлиш ҳар бир мусулмон ва муслима учун фардир» деб очилди.

Тўғри, бир пайтлар маорифга, хусусан, муаллимларга эътибор сувайди. Айна ана шу даврда таълим-тарбиянинг ноқии иллари таранглашди.

Бизнинг хўжалигимиз ҳудудида учта ўрта мактаб, 6 та болалар богчаси мавжуд.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

Умумтаълим мактабларида тарбиявий соатлар болаёни уйда олган тарбиясини янада мукамаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.



Шу йил бошидан эътиборан А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасиз ошириш Марказий институтида мактаб ўқувчиларида миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш масаласига бағишланган доимий методологик семинар-кенгаш иш бошланди.

ҳар бир мактаб учун бог, экин майдониди ажратилди. Даромат ҳам, меҳнати ҳам ўзлариники. Бундан ташқари, битта мактаб қошида лимонзор ҳам ташкил этилди.

ИЛМНИНГ ШУЪЛАСИ ЁРҚИН

ҳўжалиги бошқаруви раиси Юнус Мухторов мулоҳаза юритади



пухта тайёрланган бўлиши керак. Аввало, тарбиявий соат учун консепт тузилиб, унда айтилиши лозим бўлган фикрларнинг қисқача баёни акс этиши керак.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

баҳор палласида — Наврўз байрамларида дастурхонимизга кўр бериб турадиган сумалак, ҳольвайтар, ҳалим ва б.ш. таомлар тарбиянинг асосий қисминини тўн ташкил этиши қаҳида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.




ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.




ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.



ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.




ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.



ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

НОН НЕГА МАЗАЛИ?

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

ҳўжалиги бирорта богчани ўз оталиғига олсин. Ўқитилма, бу ишни бирорта бригада, вено ёки бошқа корхоналар ўз зиммасига олар.

Ўқувчилар ФАОЛ Бўлишди

Яқинда Республика ўқувчилари уйда Тошкент шаҳар география фани ўқувчилари билан геология соҳаси мутахассислари учрашуви бўлиб ўтди. Унда олимлар, дарсликлар муаллифлари, агроф-муҳитни муҳофаза этиш қўмитаси котиблари қатнашдилар.

Яқинда Республика ўқув-методика маркази директори Ш. Шомансуров қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра у йилгиларга айтишда ўзбекистон мазна-таблари учун география дарсликларини яратиб қай аҳволда эканлигини сўзлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Геология-минерология ресурслари қўмитаси раиси Т. Шойқубов, география, табиёт фани дарсликлар муаллифлари П. Мусоев, П. Ғулломов, география фанлари доктори А. Рафиқов, пойтахтдаги 309-лицейнинг илмий-методик ишлар бўйича директор мусавви А. Ҳасанов ва бошқалар ер ости бойликларига муносабат, география таълимнинг ус-лубий йўналишлари, география атамалар талқини, Ўзбекистонда географик тақ-қиқотларнинг ривож, мактабда яратилган экологик таълимнинг янги дастури муҳияти каби масалалар юзасидан маърузалар қил-дишди ва муаллимларни қи-зиқтирган қатор саволларга жавоб қайтардилар. Бироқ улар ўқувчиларнинг «Гео-графиями ё жуғрофия? Қай-синиси тўғри!» саволига жав-об беришда бир фикрга келиша олмадилар.

Учрашувда мактаб ўқув-чилари ҳам фаол қатнашди-ди. Шаҳардаги 65-мактаб ўқувчилари муаллима А. Фахруллина раҳбарлигида амалга оширилган Ўзбекистон-нинг экологик муаммо-ларига бағишланган синф-дан ташқари ишларини ҳам-да «Орол» саҳна кўрсати-ши мўжизлик билан намойиш этидилар.


309-лицей ўқувчилари esa саҳнада «Ўзбекистон ва Хиндистон» мавзусидаги конференция дarsини ҳинд тилида намойиш этишди ва бу масканда араб, форс тил-лари қаторида ҳинд тилини ҳам чуқур ўрганаётганлик-ларини амалда исботлади-лар. Иқтидорли болалар даставвал Хиндистон гимни-ни куйлашди. Сўнгра муал-лима М. Саидова ишғироки-да Хиндистоннинг география-урни, табиий бойликлари, шаҳарлари, денгиз ва заво-йўллари, Ўзбекистон — Хи-ндистон мамлакатларининг дўстлик алоқалари ҳақида ҳинд тилида батафсил маъ-лумот беришди. Бу ўқувчи-лар қизгин мулоқотлар ру-ҳида ўтган маъруза учраш-уши «Илон Ўзбекистон» қў-шиғи билан якунланди.

К. МАТҚУРВОНОВ.

НАВРЎ ХАНДАЛАРИ

Янги очилган гунашари омонлик-сомилик, деб ҳид-лаётган Тошбуви қолага кел-гани ҳаллослаб келиб, тап-ра кетди:
— Ойи, ўғирлаб кетишиб-ди!
— Нишани?
— Наврўга иширган су-малагини қозон-позон бил-ди йў!
— Парво қилманг, келин,
— деди Тошбуви ҳола ял-жайган ҳолда, — ёшлагини-да биз иширган сумалагини ҳам йиғитлар шунақа ўғир-лаб кетишганди. Хали қоз-онини ташлаб кетишди, бу Наврў ҳазили!

Кесаликни бўйига олиб соқол кўйган Сольвей ака Исроил сартарошга:
— Ука, соқол— мўйлабни бир ченанса қилиб кўйинг,
— деди.
— Бош устига, марҳамат, ўтиринг, аважон,— деб сар-тарош ченанса қилиш ўрни-га соқол— мўйлабни бир йўла қириб ташлади.
— Бу нима қилганингиз, Исроил?
— Наврў ошига йиғит-дек бўлиб бориң-да! — деб сартарош хушбўй «Ёшлик» атрдан ичрай кетди.




Тароватли кўклам чечати.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Махрибонимиз Гулбахор НИШОНОВА!
Чорак асрдирки, Сиз Наманган шаҳридаги 1-болалар бог-часи жажжиларини нури истиқбол сари етаклаб келаясиз. Шу машаққатли вазифани удалаш баробарида бизларни ҳам оқ юшиб, оқ тараб, элдан кам қилганингиз йў.
Таваллудингизнинг 50 йиллиги муносабати билан дилларим-издаги энг эзгу тилакларини Сизга бахшида этамиз. Ҳамisha соғу саломат, бахтинизга бор бўлинг.

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз Раҳманбек, Саидхон, Авазбек, Манзурахон, Давронбек, Донӣрбек, Юлдузхон, Ойбек, Азизбек.




Қадрили Ҳадича НАЗАРОВА, Руҳсат ХУЖАЕВОВА, Гулчохра АБАЕВА!
Сизларни таваллуд топган кунларингиз билан самимий муборакбод этамиз. Доймо онларда су-юкли она, мактабда устоз бўлиб қолганингизлар. Барчангизга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ёр бўлсин.

Шаҳрисабз туманидаги 13-ўрта матаб жамоаси.



Мухтарима Шаҳодатхон АСАДУЛЛА қизи!
Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муноса-бати билан самимий қутлаймиз.
Бугунги улуғ айём кунингизда Сизга чин юракдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз, мустқил Ўзбекистон рав-наки йўлидаги ишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

Республика ўқув-методика маркази.



Ҳурматли онажонимиз Фариди МУСАЖОНОВА!
Ушбу айём ҳаммамиз учун ҳам қўнғу, ҳам мўътабардир. Чунки бугун Сизнинг таваллуд топган кунингиздир. Адежон-имизиз, биз фарзандларингиз ва набираларингиз Сизга олам-олам қувонч, бахт-саодат, узоқ умр тилаймиз. Бир келима ширин Сизнигиз, дилбарлик нозик табассумингиз Ҳеч қачон Сизни тарк этмасин.


Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз номидаги қизингиз МУХЛИСА.

Тошкент шаҳри.



Мўътабар онажонимиз Момоҳол ЭШПУЛОВА!
Сизни туғилган кунингиз билан самимий қутлаб, соғлиқ-са-ломатлик, узоқ умр, ишларингизга ривож тилаймиз. Ҳамisha биз — жигарбандларингизнинг куюнчаги, меҳрибони бўлиб юрaverинг.

Тошкент шаҳрида таълим олаётган ўғилларингиз Шўхрат, Бахтиёр, Комилжон Собирқулловлар.



Ҳурматли давжонимиз Аҳмадхон МАШАРИПОВ!
Сизни муборак 50 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга ривож тилаймиз. Бах-тинизга ҳамisha соғ-саломат бўлинг.

Кўёвингиз Шавкат, қизингиз Замира, неварангиз Азизбек.

Тошкент шаҳри.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги Малик Макжидов номидаги 82-ўрта мактаб 1994-95 ўқув йилига қўйидаги фанларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўрганиладиган 10-синфларга танлов йўли билан ўқувчилар қабул қилади.

1. Она тили ва адабиёт.
2. Кимв.
3. Математика ва ЭХМ.

Имтиҳонлар тест усулида танланган фанлар бўйича ўт-ка-зилади.

1-муддат — 15 июндан 25 июнгача.
2-муддат — 15 августдан 25 августгача.

БАҲОР, ПОЙЛАРИНГГА ЖОНЛАРИМ НИСОР

АЖИБ ТУЙҒУЛАР
Азизим, менга хуш каломлар айтнинг,
Хайр деманг асло, саломлар айтнинг,
Бир зум вазминликдан шўхликка қайтинг,
Бир ажиб туйғулар бахш этмиш баҳор.
Бугун туйғуларим парвоз тилайдур,
Бармоқлар илоҳий бир соз тилайдур,
Қош ўсма, юзларим пардоз тилайдур,
Баҳор, пойларингга жонларим нисор.
Қалдирғоч, куйингга жўр бўлгим келар,
Саболар, оромбахш ел бўлгим келар,
Кўёшим, бир қатра нур бўлгим келар,
Баҳор, пойларингга жонларим нисор.
Бинафша лабиниңг хандаси ўзим,
Ишқ деган худонинг бандаси ўзим,
Оҳ, ёшлик баҳоринг хандаси ўзим,
Баҳор, пойларингга жонларим нисор!

Момоҳол ЭЛМУРОВОВА.
Қамаш шайридаги Гафур Ғулум номидаги мактаб.

НАФАСИНГНИ СЕЗУРМАН ЕРИМ
Тиниқ ғўсида булутлар оқи,
Кўёш аста чарақлаб чиқди,
Томчиларнинг биллур рангида,
Ерда, офтоб акс атар энди,
Она туپроқ, сен сахий туپроқ!
Сезамдоман ҳиндинги ерим,
Ташна эмас, чиғармасан оҳ,
Ҳимматингдан ризқ топар элим.
Сени севиб қучаман замин,
Мен ҳам сендек нафас оламан,
Осмон бўлса хайл ҳамдамин,
Меҳр эса доим сен томон...



БОХТЛАР ЭЛИ
Тупроғи табаррук, муқаддас Ваган,
Овозанг осмону ерга таралган.
Юрагим жимирлаб кетар дафтатан —
Не бахтни, вужудим сенда яралган.
Бошига Ҳумоқуш қўнган дёнрём,
Кўёш ҳам кетисин келмас бу ердан.
Хирмонлар юксалар, боғлар юк солар,
Рух олиб заминга тўнйланг тердан.
Толениң кулгани рост бўлди, халқим,
Сенга тош отганлар паст бўлди, халқим.
Кўп йиллар эзилдинг, вужудинг толди,
Қаддингни қўтарғил бас, бўлди, халқим.
Тиклайлик муқаддас юрт доврўғини,
Ғаним ҳам тан берсин бизга дилида.
Ўзбекини танисин замину замон,
Билсинлар, ўзбек — у бахтлар элидан.

Муножот КАРИМЖОН қиз,
Олтариқ туманидаги 39-ўрта мактабнинг немис тили ўқитувчиси.

ГУЛИМ
Гули унди богимда,
Қўшиқчи булбулим йў,
Куявердим доғида,
Кезарга дашт-қўлим йў.
Ишқ домига тушди му
Лайлисифат моҳ бўлдим.
Ушм ёним, ўзим куйдим,
Кўёшиса адоғ бўлдим!
Кўёшимни қўрдаттали
Кела қолсанг-чи, Наврўзи
Усма тортиб қошга, нафис
Сурмианг билан яшнатиб кўз.
Қилар таққан толбарганлар
Оловдансин менда ҳам.
Ошиқлиғин аён этсин
Ул ғўзалда чиндан ҳам...



Оранж МАТҚУРВОНОВА,
Тошкент шаҳар Яққасарой туманида-
ги 127-мактабнинг она тили ва адабиёт
муаллимаси.

МУНОЖОТ КАРИМЖОН ҚИЗИ
Сумалакка сингди, афтидан,
Кўёш ёнган тилларанг сочлар.
Ерўқнинг баланд тафтидан
Бир кечада гуллар оғочлар.
Собиер ЖАББОР.

НАВРЎЗИМИЗ
Хуш келибсан, марҳабо, жонга-жон Наврўзимиз,
Диллар аро куй, наво, жонга-жон Наврўзимиз.
Кўлф урса боғу роғ, қалб туғенга келмасму,
Муштақиллик, ошқора бу даврон, Наврўзимиз.
Унутилмас, бўлгани қанчалар диллар вайрон,
Қанча диллар хаста-ю, паришон Наврўзимиз.
Сени бадном, матн этди, у нобакор масъуллар,
Воз қайтганинг рост бўлсин, жонакон Наврўзимиз.
Гулшанга берур оро, гулу доланг бехисоб,
Сумалагинг ҳар ташга жон, дармон, Наврўзимиз.
Келин мисол ёшариб, яшнатиб еру кўни,
Кел, сенинг-ла қўнглимиз осмон, Наврўзимиз.
Айро тушмасиз асло, ҳур яшаримиз Музаффар,
Мангу биргамиз энди, сен ишон, Наврўзимиз.
Музаффар ТУРОВОВ.

Тошкент тумани.

ҲАМАЛ КИРГАНДА...

Ҳожа Али Ҳаним Терми-зий Уз даврининг қомусий фузалоларидан эди. У киши, нинг қаламига мансуб асар-лардан саксонтаси бизгача етиб келган. Кузатишу ҳаё-тий тақрибларга сувийи худосаланган асарлари («Наврўнома») аслар ўтс-хам қимматини йўқотмади.
Аллома умрининг акса-риятини табиат ва фаланиёт сирларини ўрганишга бағиш-лади. Қонют ва юлдузлар, тур-тури сайёраларнинг ҳа-ракатини, чиниш ва ботишини кузатиди. Қайси фалакда, қайси буржда қайси нарсача далолат қилишини, қайси нарсача яхшии ёмонлигини ўр-ғаниди, Наврўзи олам янги бўлиши билан шу йил ичида бўладиган ўзаришларни қайд қилиб борди. Бу ҳақда олимнинг ўзи: «Илму ну-жумини бир ҳафтага келтир-дим. Ҳар рўз(кунин) аҳво-ли нечук бўлурун топтим. Тақриба қилиб ушбу нусха-ни ёздим. Токи мусулмон-лар наф олсунлар.» дейди.
Муштариларнинг тушу-нишлари осон бўлишини ино-батга олиб асарни содлаш-тириб беришни лозим топ-дик.
Агар Наврўзи олам ян-шанба кунин дохил бўлса Қў-ёшга тааллуқлидир. Бу йил неъматлар кўп, фитна ва ёмонлик оз бўлади. Тоғлар-даги полизалару деҳқонлар-нинг экинлари яхши битади. Йил бошида арзончилик, охирида андан қимматроқ бўлса-да, тез ўтади. Халқ орасида мухлифатчилик кучаяди, хасталиклар кў-пайиб, шарқ тарафидан андан фитна ва хавфи хунрезии бу-лади ва охири бахайр туғай-ди. Экинларни эртарақ эка-кан маъқул.
Агар Наврўзи Олам ду-шанба кунин дохил бўлса, Қамар(ой)га тааллуқлидир. Неъматлар кўп бўлади. Ғў-за, кунжуқ, тарих, қўноқ ўр-тата унади. Қор-ёмғир йил бошида ёғади. Тоғларда ва Ироқда эил зила бўлади. Подшоҳларга ташвиш қў-пая-ди ва баъзи полизаларга офат етиб, баъзисига давлат берур. Аммо бугдой тез унади. Савдогарчиликнинг хосияти кам бўлади. Заиф-ларнинг аҳволи яхшиланади, Аммо катталарга бисёр ман-сабдорлик насиб этади.
Агар Наврўзи олам се-шанба кунин дохил бўлса, Миррих(Марс)га тааллуқ-лидир. Шодлик бўлиб, кун-да-кун таомлар кўпаяди. Ҳайвонларга маъмурчилик, алмо одамлар орасида жан-жал кўп бўлади. Машиқ тарғф подшоҳи кўп ташвиш тортади. Улус йил экинлари-ни орта экаса яхши унади. Неҳисига офат тегиб, мева-лар камаяди. Йил охирида сел кўп ёғади. Нархлар ар-зон, гўёшлар бисёр, узум кўп, заифларнинг аҳволи танг бўлади.

Агар Наврўзи олам чор-шанба кунин дохил бўлса, фитна-фасод кучаяди. Аммо теъза бартараф этилади. Полизалар кўп ва яхши битади, Хуросон тарафда арпа, бугдой қимматлашади.
Агар Наврўзи олам пай-шанба кунин дохил бўлса, Муштарий (Юпитер)га таал-луқлидир. Қор-ёмғир йил ёғиб, баъзи жойларда неъ-матлар сероб, баъзи жойлар-да оз бўлади. Подшоҳлар ҳо-ларидан, хувармандилар қасбларидан хурсандчилик топарлар. Дарелардаги ке-малар манзилга безиёш етар. Лекин халончилик орасида ёлгон сўз, беморлик кўпаяр. Савдогарлар наф топарлар. Сипоҳиларнинг аҳволи яхши-ланади.
Агар Наврўзи олам жу-ма кунин дохил бўлса, Зух-рага тааллуқлидир. У йил шодлик ва фаровонлик бу-лади. Совуқ қаттиқ, қиш узун. Ёмғир кўп ёғиб, йил охирида андан қимматчилик бўлади. Галла сақламоқ ке-рак. Савдогарчилик фойда беради. Кезин зироатга офат етади, У йилда нархлар ар-зон, неъмат кўпаяр. Деҳқон-чилик яхши унгай. Сипоҳ-ларнинг ҳоли забун бўлар...
Агар Наврўзи олам шанба кунин дохил бўлса, Зухрал (Сатурн)га тааллуқлидир. Баъзи шаҳарларда қаҳатчи-лик кучайиб, хунрезлик ҳам кўп бўлади. Жануб томонда лашкар пайдо бўлур. Уруш, ўғри ва қароқчи кўпаяди. Мевалар қимматроқ, йил охирида совуқ қаттиқ бўлиб, қиш узоқ қўзилади.
А. КАРИМОВ.

**МАКТАБЛАР
ГАЗЛАШТИРИЛДИ**
Навоий туманининг «Нав-рай» давлат ҳўжалигидаги Уллубек, Бобур, Ҳамид Олижон ва Абдулла Қамидий номидаги мактаблар тў-лиқ газлаштирилди. Бунда туман газлаштираш идораси бошлиғи Шамсиддин Сафаров ва тайёрлов идораси бошлиғи Тошғурсун Жума-евларнинг хизматлари қатта бўлди.
Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар халқ таъ-лими бош бошқармаси, Шай-хонтоҳур туман халқ таъли-ми бўлими ҳамда 169-мак-таб жамоаси шу мактабнинг собиқ директори, Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
Муҳаррам ОДИЛОВА
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари-га, яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Низомий номидаги Тош-кент давлат педагогика ин-ституту ректорати, қасаба уюшмаси, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси қозоқ филологияси кафедраси муддир, филоло-гия фанлари доктори, про-фессор
Турап АЙДАРОВ
вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чу-қур таъзия изхор қилади.

Поп тумани Ғуружарой қишлоғидаги 28-ўрта мак-таб жамоаси Ўзбекистон халқ таълими аълосини, фахрий педагог Турди Толиб ўғлига қизин
Юлдузхон ТОЛИПОВА
бевақт вафот этганлиги му-носабати билан чуқур ҳў-дардлик билдиради.

МАЪРИФАТ

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Тахрир ҳайъати: Умида АВДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Гафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тог'лимурод ОТАМУРОВОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳнам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдулаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтати тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъул-дирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жўма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий иш-лар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Гафур Маннопов, Замира Тўлаганова.